



АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Т.М.Мирзарахимов

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20775659>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 16-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 18-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 20-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи қонуний равишда аёлларнинг шахс сифатидаги ҳолати ўзгаришига олиб келади. Бундай алоқа жиноий қилмишлар соҳасида ҳам мавжуд.

ABSTRACT

Бугунги кунда ҳудудлардаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки унинг ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Жиноий хулқ-атворнинг вужудга келишига ижтимоий муҳит сабабчи, дейди А.Кетле. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда ҳудудлардаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки унинг ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Жиноий хулқ-атворнинг вужудга келишига ижтимоий муҳит сабабчи, дейди А.Кетле. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи қонуний равишда аёлларнинг шахс сифатидаги ҳолати ўзгаришига олиб келади. Бундай алоқа жиноий қилмишлар соҳасида

ҳам мавжуд. Аёлларнинг бандлиги ва улар томонидан содир этилган жиноятлар ўртасида маълум боғлиқлик кузатилади. Бундан аёллар жиноятчилигини ва умуман жиноятчилик муаммосини муайян тарихий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганиш керак бўлади. Муайян ижтимоий вазиятларнинг таҳлилигина мазкур мураккаб муаммони ҳал қилиш имконини беради.

Аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминологик таҳлили шуни кўрсатадики, аёллар жиноятчилиги ўзгармас эмас, балки ҳаётнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар, албатта, унинг тузилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва у илгари ўзида бўлмаган хусусиятларни касб этиб боради. Шунга қараб аёллар жиноятчилигининг олдини олиш, содир этилишидаги сабаблар, шароитлар, муаммолар, муҳит ва аёлларнинг ижтимоий келиб чиқишини ҳам инobatга олишимиз керак.

Аёллар жиноятчилиги жамиятнинг турли соҳаларига таъсир кўрсатиб, оила, иқтисодиёт ва маънавий ҳаётдаги барқарорликка путур етказди. Умумий жиноятчиликда улуши нисбатан паст бўлса-да, унинг ижтимоий оқибатлари жуда жиддийдир. Аёл жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг ажралмас ва ўзига хос қисми бўлиб, унинг шаклланиши ва ривожланиши жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Криминологик нуқтаи назардан, аёллар жиноятчилиги миқдорий кўрсаткичлар, содир этилган жиноятларнинг моҳияти, амалга ошириш усуллари ва воситалари, жиноят сабаблари ва мотивлари, шунингдек, оилавий ва маиший омиллар таъсири билан тавсифланади.

Аёллар жиноятчилиги деганда, аёллар томонидан маълум вақт ва маконда содир этилган жиноятлар мажмуи тушунилади. Аёллар жинояти умумий жиноятчиликнинг ажралмас қисми сифатида тарихан ўзгарувчан ҳодисадир. У фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу аёлнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва унинг психофизиологик хусусиятлари билан боғлиқ.

Аёллар жиноятчилигининг аксарияти эркаклар жинояти сингари қасд билан содир этилади. Тадқиқот натижаларига кўра, аёллар жиноятининг 1/3 қисми аввалдан режалаштирилади. Ушбу жиноятларнинг аксариятини 20–30 ёшдаги аёллар содир этишади.

Аёллар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қарамасдан аёллар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этиш кўрсаткичлари камаётгани йўқ. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги аёллар жиноятчилиги ҳолати ўрганилганда, 2024 йилнинг 12 ойи давомида 23 нафар аёл томонидан 63 та жиноятлар содир этилган бўлса, 2025 йилнинг 12 ойи мобайнида эса 17 нафар аёл томонидан 21 та жиноят содир этилганлиги ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни йўлга қўйиш механизми тўғри ташкил этилмаганлигидан далолат бермоқда.

Аёллар жиноятчилигини юзага келтирувчи ва изоҳловчи сабаб-оқибатлар мажмуаси жиноят сабабларининг умумий туркумига киради. Аммо у маълум хусусиятлар ва индивидуаллик билан ҳам фарқланади.

Содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ҳолатлари аёлнинг жинoий хулқ-атвори механизми унинг жиноятга мойиллиги, жиноят содир этишда фаоллик даражаси, юзага келган ҳаётий вазиятларнинг унга таъсири даражасини аниқлаш имконини беради.

Аёллар жиноятчилигини юзага келтирувчи жиддий қарама-қаршиликлардан бири бу аёлларнинг меҳнат, касбий фаолиятда фаол иштирок этишга бўлган эҳтиёжлар, моддий муаммоларнинг зиммасига тушиши, меҳнат бозорида гендер стереотиплари мавжудлиги ва номутаносибликдир.

Жиноят содир этувчи аёлларнинг психологик хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим, чунки унинг атроф-муҳит билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт тарзи ва оилавий турмуш шароити жиноят содир этишда катта роль ўйнайди. Ижтимоий шарт-шароитлар жиноий қилмишда ўз аксини топади ва шахснинг хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади.

Аёллар жиноятларининг кўпчилиги шахсий муносабатлар – рашк, ғазаб, ўч олиш, ёлғон, ҳасад ёки жабрланувчидан қутулиш истаги натижасида содир этилади. Кўп ҳолларда жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари аёлларни жиноят содир этишга туртки беради.

Шунингдек, А.И.Долгова аёллар жиноятчилигини ижтимоий ва тарихий жиҳатдан ўзгарувчан ҳодиса сифатида таърифлаб, унинг ижтимоий хавф даражаси жамиятдаги иқтисодий ва маънавий муҳит билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Аёллар жиноятчилигининг келиб чиқишига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд. Жумладан:

Ижтимоий-демографик: урбанизация, миграция, жинс ва ёшга оид маълумотлар ва маъмурий-худудий тузилишнинг ўзгариши.

Иқтисодий: умумий ва тармоқлардаги бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, нарх-навони белгилаш.

Сиёсий ва ижтимоий-руҳий: миллий мафкура, ахборот технологиялари, демократик институтларнинг фаолияти, ижтимоий дастурларни амалга оширишга давлатнинг муносабати.

Ташкилий-ҳуқуқий: амалдаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллашни таъминловчи институтларнинг самарадорлиги.

Шунингдек, маҳалла ҳудудида ҳуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил, виктимологик жиҳатдан ҳимояга муҳтож ёхуд жабрланган аёлларнинг устидан профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш учун уларнинг ҳисобини юритишни ташкил этиш “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, уларга кўплаб соҳаларда имтиёзлар беришни назарда тутувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳамда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича ўзига хос тизим яратилганлиги қайд этилди. Юртимизнинг ноёб маданий мерос объектларини, қадамжоларни кўриш, зиёрат қилиш учун дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан сайёҳлар келишади. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Аёлларга бўлган муносабат тобора юксалиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш бугуннинг бош мавзусига айланди. Ўзбекистон аёллари барча жабҳаларда ўз ўрни ва муносиб мавқеига эга бўлишига улгурди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва

таълим соҳаси ходимларининг 77 фоизи аёллар экани маълум қилинди. Айтилишича, 2000 нафарга яқин аёллар давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик қилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2023 йил 20 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида нутқ сўзлади ва бунда глобал ва минтақавий кун тартибидаги энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, мамлакат “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хотин-қизлар” тузилмаси билан ҳамкорликни янада кучайтиришдан манфаатдорлигини таъкидлаб, биргаликдаги ташаббус сифатида аёлларни бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашиш учун келгуси йили Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш таклиф қилинди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятида хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мамлакатимизда нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлаб берди.

Президентимиз ташаббуси билан жойларда “фуқаробай” ишлаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, айнан секторлар миқёсида юритиладиган “Аёллар дафтари” аёллар ўртасидаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга йўналтирилган. Хусусан, “Аёллар дафтари”ги киритилган аёлларни уй-жой билан таъминлаш, ишга жойлаштириш, хусусий тадбиркорликка жалб этиш бу борада уларга ҳар томонлама ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий ва педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш масалаларини ўз ичига олувчи комплекс тадбирларни ўз ичига олади.

Худудларда “фуқаробай” ишлаш тизимида жойлардаги муаммоларни хал қилишнинг яхлит ва таъсирчан, тезкор ҳамда жадаллаштирилган янги шакли ва усули, унинг тузилишини яратишга хизмат қилиши зарурлиги белгиланди. Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жинойтчиликдан холи худудга айлантириш муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Профилактик ҳисобда турган, айниқса, илгари судланган, маъмурий назоратга олинган, пробация ҳисобида турган аёллар томонидан қайта жинойтлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида доимий равишда уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий даромадининг манбаларини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этишга қўмаклашиш ишлари кунлик назоратга олиниши каби чора-тадбирлар ҳар бир худудларда олиб борилса, жинойтларнинг олди олинишида ўз самарасини беради.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш керак, аёлларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш билан бошқа ижтимоий муҳим масала – оила ва фарзанд кўриш ҳамда тарбиялаш истагидан воз кечилмаслигини таъминлаш лозим. Шу боис мамлакатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаб бориш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини иқтисодий қўллаб-қувватлашни давлат сиёсатида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда келгусида аёлларга ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш ёки фақат оила ва бола тарбияси билан шуғулланишда эркинлик ҳуқуқини бериш катта аҳамиятга эга. Бинобарин, бу каби енгилликлар яратиш орқали аёллар жинойтчилигига сабаб бўлган бир қатор криминоген ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Фойланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/lists/view/6679>
3. Файзиёва М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. – Т., 2007. – Б. 7.
4. Инсон ҳуқуқлари: Дарслик /О Хусанов, О.Каримова, Х.Азизов ва бошқ. – Т., 1997. – Б. 16.
5. Криминология. Дарслик. – М., 1997. – С. 674
6. Серебрякова В.А. Криминологическая характеристика женщин преступниц//Вопросы борьбы с преступностью. 1971, №14. 5.с.
7. Долгова А.И. Криминология. 4-еизд., перераб. и доп. –М., 2016. – С. 38

